

## ТАЪТИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

**Усманова Муборак Акмалжановна**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфисизлиги университети профессори, ю.ф.д.

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.6685242>**

**Аннотация.** Мақолада сўнгги йилларда юртимизда аҳоли бандлиги даражасини ошириши ҳамда фуқароларни иш билан таъминлаши борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг амалдаги ижроси таҳтил этилган бўлиб, муаллиф томонидан меҳнат қонунчилиги талаблари, амалдаги муаммолар ва уларнинг ечими ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат, бандлик, таътил, меҳнат шартномаси, меҳнат шароити.

### ПРАЗДНИКИ И ИХ ЛЕГАЛИЗАЦИЯ

**Аннотация.** В статье анализируются принятые в последние годы нормативно-правовые акты по повышению занятости и занятости в стране и их текущая реализация, автор описывает требования трудового законодательства, актуальные проблемы и пути их решения.

**Ключевые слова:** труд, занятость, отпуск, трудовой договор, условия труда.

### HOLIDAYS AND THEIR LEGALIZATION

**Abstract.** The article analyzes the normative and legal acts adopted in recent years to increase employment and employment in the country and their current implementation, the author describes the requirements of labor legislation, current problems and their solutions.

**Keywords:** labor, employment, vacation, employment contract, working conditions.

### КИРИШ

Мамлакатимизда бозор талаблари ва тамойилларининг ижтимоий ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётгани, иқтисодиётда хусусийлаштириш ролининг ортиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, шартномавийликнинг кенгайиши меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солища янги моделларни ишлаб чиқиши тақозо қилмоқда. Таъкидлаш лозимки, ушбу чоралар дам олиш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга ҳам тўла тааллуқлидир. Шунга кўра, тараққиётимиз суръатларини керакли даражада бўлишини таъминлаш учун ўзгартириш ва янгилаш жараёнларини узлуксиз давом эттириш, олдимизда пайдо бўлаётган муаммо ва вазифаларни ўз вақтида ҳал этишимиз, Янги Ўзбекистонга ҳамда унинг тараққиётига жавоб берадиган янги қоидаларни ислоҳотларимиз мантиғига мослаштириш кераклиги муҳим вазифага айланганлигидан далолат бермоқда.

### ТАДҚИҚОТЛАР МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистонда аҳоли бандлиги даражасини ошириш, фуқароларни иш билан таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиб бериш мақсадида “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги (2021), “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (2016), “Хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги (2019), “Хотин-қизларни тазыйик ва зўравонликдан химоя қилиш тўғрисида”ги (2019), “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги(2020) қонунлар қабул қилинди.

Дам олиш ҳуқуқи инсоннинг табиий ва ажralmas ҳуқуқи сифатида кўплаб халқаро стандартларда ўз аксини топган. Хусусан, ушбу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (24-модда), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (8-модда), Европа ижтимоий хартияси, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг бир

қатор конвенцияларида (29,47,52,103,132 ва бошқа) мутаҳкамланғанлиги, шунингдек, Хитой, Япония, Германия ва бошқа давлатлар конституцияларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган қўшимча таътиларнинг бир қанча турларини назарда тутади. Бу қўшимча таътиларнинг энг кам муддати айрим ходимлар учун бевосита Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади, ходимларнинг аксарияти учун эса – у Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган услубиёт асосида жамоа келишувида ёки жамоа шартномасида белгиланади. Қолган барча қўшимча таътиллар, уларнинг аниқ муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари жамоа келишувларида, жамоа шартномасида, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб иш берувчи тасдиқлайдиган бошқа локал хужжатлар ёхуд меҳнат шартномасида белгилаб қўйилади.

Мехнат қонунчилиги у ёки бу меҳнат шароити ноқулай ёхуд ўзига хос бўлган ишлар учунгина бевосита қўшимча таътилларни беришни назарда тутади ва қонун хужжатларида ҳам қўшимча таътилларни беришнинг бошқа ҳоллари назарда тутилиши мумкинлигини белгилаб беради. Қўшимча таътиллар қуйидаги ходимларга белгиланиши керак:

- 1) меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга;
- 2) ўзига хос бўлган, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иклим шароитларида иш бажараётган ходимларга;
- 3) қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 232-моддаси ўн икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ боласи ёхуд ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили ижтимоий қўшимча таътил берилишини назарда тутади.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Қонун хужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳоллардан ташқари, қўшимча таътиллар жамоа келишувларида, жамоа шартномасида ёки ходим билан тузилган меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бўлиши мумкин. Агар қўшимча таътиллар кўрсатилган тартибда назарда тутилган бўлса, уларнинг ходимларга берилиши қонун хужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган қўшимча таътилларни бериш сингари мажбурийдир.

Мехнат шароити ноқулай ишларда ишловчилар деб ҳисобланадиган ходимларнинг тоифалари аттестациялаш орқали аниқланади. Ушбу ходимларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1996 йил 17 февралда тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 28 майда 247-сон билан рўйхатдан ўтказилган Мехнат шароитларидан келиб чиқиб меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш жойларини аттестациядан ўтказиш услубиёти асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси 137-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, жамоа келишувлари, жамоа шартномаси билан ноқулай меҳнат шароитида ишлаганлик учун йиллик қўшимча таътилларни бериш тартиби ва шартлари тартибга солинган бўлиши керак. Иш жойларини аттестациялаш

натижаларига доир маълумотлар меҳнат шароити нокулай ишлар учун қўшимча таътилларнинг муддатини белгилашга асос бўлади. Бунда аттестациялаш натижаларининг кўрсаткичлари меҳнат шароитларини баҳолаш услубиётининг маҳсус жадвалидаги гигиеник мезонларга мос бўлиши керак.

Жадвалнинг тегишли устунида қўрсатилган қўшимча таътил муддати қонун хужжатларида белгиланган деб топилади ва шу иш жойларида ишлаётган ходимларга иш берувчи бериши шарт бўлган энг кам муддат ҳисоблади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қонун хужжатларида назарда тутилган таътилларни 48 иш кунигача доирада жамлашга йўл қўйишини ҳисобга олганда ўта заарали ва ўта оғир меҳнат шароитида ишлаганлик учун қўшимча таътил услубиётга мувофиқ 33 иш кунигача белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 137-моддасида меҳнат шароити нокулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган йиллик қўшимча таътил ҳақидаги муҳим қоидалар белгиланган. Меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа заарали омиллари таъсир этадиган ходимларга нокулай меҳнат шароитида ишлаганлари учун йиллик қўшимча таътил берилади.

Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармоқ келишувлари, жамоа шартномаси билан (агар улар тузилмайдиган бўлса, - касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб иш берувчи томонидан) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида белгиланади.

Меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта заарали ва ўта оғир меҳнат шароити учун қўшимча таътилнинг энг кам муддати, бундай таътилни бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

### МУҲОКАМА

Ўта заарали ва ўта оғир меҳнат шароитида ишловчи ходимлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 марта 133-сон қарори билан тасдиқланган. Шу қарорнинг ўзи меҳнат шароити ўта заарали ва ўта оғир ишларда банд бўлган шахслар учун иш вақтининг энг кўп муддатини ва қўшимча таътилнинг энг кам муддатини назарда тутади. Ана шу ходимлар қўшимча таътилини муддати ўн икки иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас. Бироқ, ўта заарали ва ўта оғир меҳнат шароитида ишлаётганлар қўшимча таътилини муддати 12 иш кунидан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Гап шундаки, бу ходимлар учун қўшимча таътилнинг энг кам муддати ҳам Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган услубиёт асосида ўтказиладиган иш жойларини меҳнат шароитларига кўра аттестациялаш натижаларига қараб аниқланади. Шу боисдан, агар аттестация натижаларига кўра мазкур ходим 12 эмас, балки, масалан, 24 иш куни давом этадиган қўшимча таътил олиш ҳуқуқига эгалиги аниқланса, бу ходимга худди шунча муддатли қўшимча таътил берилади. 24 иш куни қилиб белгиланган таътил ходимга берилиши лозим бўлган таътилнинг энг кам муддати деб ҳисобланиб, унинг муддати қитсқартилиши мумкин бўлмаган ҳолда, унинг муддати корхонанинг фойдаси

хисобидан узайтирилиши мумкин. Бу таътилларни узайтириш қоидалари жамоа келишувида, жамоа шартномасида ёки ходим билан тузилган меҳнат шартномасида назарда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 138-моддасида оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътил ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланган.

Табиий-иқлим шароити оғир ва ноқулай жойлар рўйхати ҳамда йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб қўйилади.

Тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларида табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бошқа жойларда ҳам ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун қўшимча таътилнинг энг кам муддати ва уни бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларда иш бажараётган ходимларга бериладиган қўшимча таътилларнинг энг кам муддатини ва шундай жойлар (туманлар) рўйхатини белгилаб қўяди.

Юқоридагиларга қўра: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини “Ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътилини олиш ҳуқуқи” деб номланувчи 133<sup>1</sup>-модда билан тўлдириш, мазкур моддада ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътилини олиш ҳуқуқи меҳнат шартномаси асосида ишлаётган барча ходимлар учун кафолатланиши ҳамда Меҳнат кодексида назарда тутилган асосларда вужудга келиши, ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътилини олиш ҳуқуқидан воз кечиш, уни рад қилиш ёки чеклаш мумкин эмаслиги, мазкур ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман рад қилиш ҳақидаги ҳар қандай келишув ҳақиқий ҳисобланмаслиги ҳақидаги қоидалар акс этиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 135-моддасида 30 календарь кундан иборат узайтирилган асосий таътил ишлаётган I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган ходимларга берилади. Йиллик узайтирилган асосий таътилларни олиш ҳуқуқига эга бўлган ногиронлиги бўлган ходимлар тоифасини кенгайтириш мақсадида ушбу рўйхатга “Чернобиль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гурӯҳ ногиронлиги бўлган ходимлар” ни ҳам киритиш лозим.

Хуллас, Янги Ўзбекистон меҳнат қонунчилиги мамлакатимизда юз бераётган барча ижобий ўзгаришлар ва эришаётган ютуқларимизни ўзида акс эттириши, энг муҳими, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар нарсадан улуғ эканлиги ҳақидаги ғояларимизга асосланган бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й., 03/21/703/0723-сон.
4. <https://t.me/mehnathuquqi>

5. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 22-сон, 257-модда.
6. “Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастурини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси натижалари муҳокамаси бўлиб ўтди //<https://mehnat.uz/uz/news/-uzbekiston-respublikasida-munosib-mehnat-buyicha-mamlakat-dasturini-amalga-oshirishni-qullab-quvvatlash-loyihasi-natizhalari-muhokamasi-bulib-utdi>